ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: https://doi.org/10.24411/2181-1385-2021-00161

ЎҚИТИШНИНГ МУАММОЛИ ШАКЛИ ВА УНИНГ ЎҚУВ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДИК ЖИҲАТЛАРИ

Усмон Аллакулович Нуруллаев
Жиззах политехника институти
usmon.nurullaev.1983@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада муаммоли ўқитиш орқали талабани ўз фикрини айта олиши, уни ҳимоя қилиши, машғулот жараёнида бир-бирига ҳурмат билан ёндашиши, талабаларда ишонч ва ишчанлик руҳи ҳукмрон бўлиши ёритилган. Талаба ўқитувчининг ўргатишга самимий интилаётганлиги, уни ўзига тенг кўраётганини яққол ҳис қилиши, ўқитишда шахс омилини ҳисобга олган ҳолда ўқитувчининг ишлаш педагогикасини қўллаш ва дарс машғулотларини муаммоли таълим билан ўтказиш талабаларда ўз устида ишлашиши, илмий билиш методларини ўзлаштириб, тадқиқотчилик фаолиятини олиб бориш кўникмаси, эга бўлаши келтирилиб ўтилган.

Калит сўзлар: Ўқитувчи, талаба, муаммоли вазият, метод, муаммоли таълим, ишонч, хурмат, таълим, мустақил.

THE PROBLEMATIC FORM OF TEACHING AND ITS THEORETICAL AND METHODOLOGICAL ASPECTS OF TEACHING INTRODUCTION

Usmon Allakulovich Nurullayev
Jizzakh Polytechnic Institute
usmon.nurullaev.1983@mail.ru

ABSTRACT

This article covers how a student can express his / her opinion through problem teaching, approach each other with respect in the process of training, have confidence and work spirit dominated in students. It is stated that the student has a sincere desire to teach, feels that he sees it as equal to himself, taking into account the individual factor in the teaching, the teacher's ability to work on himself, mastering the methods of scientific knowledge, the ability to conduct research activities, to conduct lessons with problematic education.

Keywords: teacher, student, problematic situation, method, problematic education, trust, respect, education, independent.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: https://doi.org/10.24411/2181-1385-2021-00161

КИРИШ

Ҳозирги кунда профессор-ўқитувчининг вазифаси талабаларга ўқув жараёнида фақат репродуктив фикрлашни эмас, балки ижодий фикрлашни ҳам шакллантирадиган йўсинда ташкил қилишдир. Бунда ўқитишнинг муаммоли усули қўл келади.

Муаммоли таълим – ўқитувчи ўқув материалларини талабаларнинг онгида илмий изланиш асосида билиш вазифалари ва муаммоларини вужудга келтирадиган усулда ўргатиш услубидир.

Муаммоли ўқитиш бу – таълим сифатининг янги босқичи. Ҳозирги даврда талабаларга маълумот ва тавсияларнинг маълум тўпламини бериш унчалик аҳамиятли эмас, балки уларнинг маълумотларни мустақил таризда олиши ва ўз билимига айлантириши учун аниқ ёндашувларга эга бўлиши муҳимдир. Албатта, айрим маълумотларни маъруза вақтида етказиш имкони бўлмай қолади, аммо тежалган вақтлар ҳисобига хулосалар чиқарилади, умумлаштирилади ва дунёқарашини шакллантиради. Бунда талабаларнинг мустақил ва танқидий фикр юритиб, ҳар томонлама асосланган қарорлар қабул қилиши аҳамиятлидир. Ушбу муаммоли ўқитишнинг мақсади шундаки, билимларни қуруқ ёдлаб олиш эмас, балки касбий фаолиятида зарур бўладиган амалий кўникмаларни шакллантиришдан иборатдир.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Муаммоли вазият ўқувчи-талабанинг маълум психик ҳолатидир. Бундай ҳолат маълум топшириқларни бажариш (масала ечиш, саволга жавоб топиш) жараёнида зиддиятларни аниқлаш туфайли вужудга келади. Ана шу зиддиятни англаш учун ўқувчи-талабаларда масалаларни бажаришнинг ўзгача усули ёки шартлари тўғрисидаги янги билимларни изланиш эҳтиёжини уйғотади.

Муаммоли ўқитиш ўқитувчининг технологик харитаси билан ривожланди ва муаммоли ўқитишнинг тўрт босқичдан иборат мантиқий шакли пайдо бўлди:

1) муаммонинг қўйилиши;
2) унининг ечиш йўлларини аниқлаш;
3) муаммони ечишнинг энг мақбул йўлини танлаш;
4) муаммони ечиш.

Лекин ўқувчи-талабаларда берилган топшириқларнинг жавобини билмаган саволларнинг ҳаммаси ҳам муаммоли вазиятни вужудга келтирмайди. Масалан, «Жиззах шаҳрида қанча одам яшайди?», «Автомобил

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: https://doi.org/10.24411/2181-1385-2021-00161

шинасининг юзасини ҳисобланг» каби масалаларни ечишни қўйиш ҳали муаммоли вазият бўла олмайди.

«Муаммоли ўқитиш» атамаси асосида масала тушунчаси бўлиши мумкин эмас. Акс ҳолда, уни методологик жиҳатдан асослаш керак бўлади.

МУҲОКАМА

Ижодий қобилиятини шакллантириш учун ўқувчи-талабаларни доимо савол беришга ундаш лозим. Йўқ жойдан саволнинг қандай пайдо бўлишини кўрсатиш, дарс сўнгида қарама-қаршиликлар ойдинлаштирилиб берилиши зарур.

Муаммоли методнинг моҳияти машғулотлар жараёнида муаммоли вазиятларни яратиш ва уларни ечишдан иборат бўлиб, унинг асосида дидак- тик зиддиятлар ётади. Зиддиятларни бартараф этиш ёки илмий билиш йўли, балки шу билан бирга ўқув йўли ҳамдир.



1-шакл: Муаммоли ўқитиш методининг тузилмаси.


Муаммоли ўқитиш методини 1-шакл ёрдамида ифодалаш мумкин. Муаммоли таълим концепциясининг асосий тушунчалари «Муаммоли вазият», «муаммо», «муаммони топиш» кабилар ҳисобланади. Чизмадан кўриниб турибдики, муаммоли вазият бу методнинг дастлабки кўриниши ҳисобланиб, ўзида субъектни аниқ ёки қисман тушуниб етилган муаммони ифодалайди, уни бартараф этиш янги билимлар, усуллар ва ҳаракат кўникмаларини ўзлаштиришни тақозо этади. Агар ўқувчида қийинчиликларни йўқотиш йўлларини излаб топиш учун бошланғич маълумотлар бўлмаса, шубҳасиз, у муаммоли вазият ечимини қабул қилмайди, яъни муаммонинг ечими унинг онгида акс этмайди. Фикрлаш муаммо моҳиятининг тушуниб етилиши, ифодаланиши, мавжуд билим ва кўникмалар мажмуаси ва изланиш тажрибаси асосида муаммоли вазиятни қабул қилиш биланоқ бошланади. Бу ҳолда

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: https://doi.org/10.24411/2181-1385-2021-00161

муаммоли вазият муаммога айланади ва ҳар бир муаммо муаммоли вазиятни ўзида намоён этади, бироқ барча муаммоли вазият муаммога айланавермайди. Мазкур методдан фойдаланиш жараёнида муаммо ечимини топишга ёрдам берувчи йўналишлар ўқувчи-талабаларга кўрсатилмайди ва чегараланмайди. Бу хусусият муаммоли масалага хосдир.

НАТИЖАЛАР

Агарда муаммода ечимнинг қандайдир кўрсаткичлари кўрсатилса, у ҳола муаммоли масала ҳисобланади. Ҳар қандай муаммоли топшириқ маълум муаммони, муаммоли вазиятни ҳам қамраб олиш керак. Агарда инсон муаммоли вазиятга дуч келадиган бўлса уни ҳар доим муаммоли масалаларни ечимни топади, яъни унинг ечими учун ўзидаги билимлар тизимига таянади ва маълум кўрсатишларни белгилаб олади. Муваффақиятсизликка учраган тақдирда ҳам, у бошқа кўрсаткичларни қидиради бошлайди ва шу муаммо бўйича янги вариантлардаги масалаларни лойиҳалайди.



2-шакл. Муаммоли методни қўллашда назарий-методик харакатлари

Таълим жараёнида муаммоли методни қўллашда ўқитувчи ва ўқувчи-талабалар томонидан 2-шаклдаги каби назарий-методик харакатлари амалга оширилади.

Тадқиқотчиликда ушбу ўқитиш методини қўллашда ўқитувчи ва ўқувчи-талабалар билан ҳамкорликда ҳал этилиши зарур бўлган масалани аниқлаб олишга ёрдам беради ва ўқувчи-талабалар мустақил равишда таклиф этилган масалани ечимини топиш жараёнида зарурий билимларни ўзлаштириб унинг ечимини бошқа вазиятлар билан таққослайдилар. Ўрганилган масалани ечиш давомида ўқувчилар илмий билиш методларини ўзлаштириб, тадқиқотчилик

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: https://doi.org/10.24411/2181-1385-2021-00161

фаолиятини олиб бориш кўникмаси, эга бўладлар.

Таълим жараёнида тадқиқотчилик муаммоли ўқитиш методини қўллашда ўқитувчи ва талабалар томонидан 2-шаклда келтирилган ҳаракатлар амалга оширилади.

Муаммоли ўқитишнинг камчиликлари шундаки, биринчидан, у фан ўқитувчисидан қўшимча вақтни талаб қилади,

- маълумотлар етказиб бериш бўйича информатив ўқитишдан орқада қолади.
- муаммоли ўқитиш ўқитувчидан катта педагогик маҳорат талаб қилади.
- Дарсда муаммоли вазиятларни вужудга келтириш учун ўқитувчида, биринчи навбатда, олимлик хусусияти бўлиши талаб этилади.
- Муаммоли ўқитишни кенг ва самарали қўллашга имкон бермайди.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда муаммоли ўқитиш орқали талабани ўз фикрини айта олишга, уни ҳимоя қилиш ва баҳслашишга ўргатиш мумкин. Ўқитиш жараёнида қарама-қаршилик бўлмаса, баҳс ҳам, мунозара ҳам бўлмайди. Мунозарасиз эса муаммонинг ечими топилмайди. Дарс жараёнида бир-бирига ҳурмат, ишонч ва ишчанлик руҳи ҳукмрон бўлиши керак. Талаба ўқитувчининг ўргатишга самимий интилаётганини билиши, уни ўзига тенг кўраётганини яққол ҳис қилиши зарур. Бу эса, шубҳасиз, ўқитишда шахс омилини ҳисобга олиш, бирга ишлаш педагогикасини қўллаш ва таълимни инсонийлаштириш билан узвий боғлиқ.

Ўқитувчи ўқитишнинг муаммоли шакли орқали ўқувчи-талабаларда фикрлаш фаолиятида муаммоли вазиятлар вужудга келади ва улар мустақил равишда изланиш ва мантиқий ўйлаб, тўғри илмий хулосалар чиқаришга даъват этади.

REFERENCES

1. Йўлдошев Ж.Ғ., Ҳасанов С. (2009). Педагогик технологиялар. / Ўқув қўлланма. – Т.: «Иқтисод-молия».
2. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. (2008). Таълимда инновацион технология- лар. Амалий тавсиялар. – Т. «Истеъдод».
3. Махмутов М. (1992). Мактабда муаммоли таълимни ташкил этиш. – Т.: «Ўқитувчи».
4. Ҳошимов К. (2010). Ўзбек педагогикаси антологияси. – Т.: «Ўқитувчи».

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: https://doi.org/10.24411/2181-1385-2021-00161

5. Sobirovich, SS, & Allakulovich, NU (2020). Maxsus va umumiy professional fanlarda integrasiyaning ishlab chiqarilmasi-pedagogik maslahat. PalArchning Misr arxeologiyasi jurnali / Egyptology, 17 (6), 3217-3224.
6. Нуруллаев, У. А., & Умиров, И. И. У. (2020). Создание программных средств автоматизированной информационной системы транспортных предприятий. Academic research in educational sciences, (1).
7. Iskandarovich, U. I. (2021). Theoretical Fundamentals of Introduction of Electronic Educational Tools to the Educational Process. Central asian journal of theoretical & Applied sciences, 2(1), 1-7.
8. Asqarov, I. B (2017). Bo'lajak kasb ta'limi o'qituvchilarini tadqiqot faoliyati uchun tayyorlashning asosiy bosqichlari. Sharqiy Evropa ilmiy jurnali, (5).
9. Аскаров И.Б. (2017). Управление и планирование процессом формирования исследовательских умений и навыков будущих преподавателей профессионального образования. Школа будущего (2), 10-15.
10. Аскаров, И. Б. (2017). Основные подходы и принципы подготовки будущих педагогов профессионального обучения к исследовательской деятельности. Актуальные научные исследования в современном мире, (2-6), 25-32.
11. Аскаров, И. Б. (2016). Подготовка к исследовательской деятельности будущего педагога профессионального обучения. In Педагогическое мастерство (pp. 39-42).
12. Sobirovich, S. S., & Allakulovich, N. U. (2020). The implementation of integration in specific and general professional sciences-as a pedagogical problem. PalArch's Journal of Archaeology of Egypt/Egyptology, 17(6), 3217-3224.
13. Бегматов, Б. Я. (2020). Техника олий таълим муассасаларида талаба амалиёти тадқиқи. Academic research in educational sciences, (3).
14. Azimov, A., & Muxtarov, A. (2021). Avtotransport korxonalarida texnik xizmat ko’rsatish va ta’mirlash ishchilarini kompetensiyaviy yondoshuv asosida tayyorlash va malakasini oshirish metodikasi. Academic Research in Educational Sciences, 2(1), 258-265.
15. Odilov, N. (2020). The analysis of the development of gas cylinder supply system. Academic research in educational sciences, (3).